

# ИННОВАЦИОН ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ № 59

Тошкент шаҳри

28.10.2020 йил

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (бундан кейин матнда «Университет» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи ректор Сирожиддинов Шухрат Самариддинович бир томондан ва

“INNOVATSIYA-ZIYO” нашриёти (бундан буён «Корхона» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Холсаидов Фарход Бакирович иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:

## 1. Шартноманинг мақсади ва предмети

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2019 йил 10640-сон топшириқ-хати, Ўзбек тилининг давлат тили сифатида қўлланилишини кенгайтириш, ривожлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 8-банди ижросини таъминлаш бўйича университет томонидан ташкилотда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги аҳамияти, унинг ташкилотда кенг қўллаш имкониятлари, ўзбек адабий тили нормалари, давлат тилида иш юритиш асослари ҳақида цикл тарғибот маърузаларини ташкил этиш.

## 2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Мазкур шартнома доирасида «Университет» куйидагиларни кафолатлайди:

- шартнома мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таълим хизматларини кўрсатади ва ташкилотда давлат тилининг тарғиботини амалга оширади, шунингдек, адабиётларни таҳрир қилиш, мусахихлик, муҳаррирлик ишларини бажариш вазифаларини бажаради.

- келишилган муддатда маърузалар ва амалий машғулотларни ташкил қилиш учун университет профессор-ўқитувчиларини таъминлайди.

2.2. Мазкур шартнома доирасида корхона куйидагиларни кафолатлайди:

- маърузачиларда ташкилот ходимларининг иштирокини таъминлайди ва тегишли шароитни яратади.

- кўрсатилган таълим хизматлари учун келишилган ҳақ суммасини ўз вақтида университет ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

## 3. Низолар ва молиявий масалалар

3.1. Ушбу шартноманинг муддати узайтирилиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши томонлар келишувига мувофиқ далолатнома асосида амалга оширилади.

3.2. Таълим хизмати учун тўланадиган ҳақ ўзаро келишув асосида 10 соатлик маъруза ва амалий машғулотлар учун 1 000 000 (бир миллион сўм) ни ташкил этади.

3.3. Корхона кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун университетнинг ҳисоб рақамига келишилган маблағни томонлар ўртасида таълим хизмати кўрсатилгани ҳақида тузилган далолатнома асосида 15 кун муддат ичида тўлиқ ўтказиб беради.

3.4. Томонлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолати туфайли бажармаса ўзаро келишув асосида шартнома